

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЎТГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Иқболжон Атаисматов Зумратжоновичи

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Фаргона вилояти ҳудудий филиали раҳбари

Бугунги мамлакатлар иқтисодиёти шиддат билан тараққий этаётган бир вақтда давлатлар бугуни ва эртанги келажагини ўйлаб турли хил ислохотлар олиб бормоқда.

Бунга асосий сабаб мамлакатда истиқомат қилаётган фуқароларнинг эҳтиёжи ошиши ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни эртанги келажаги учун уларни иш билан таъминлаш мақсадида маҳаллий ва хорижий сармоядорларни жалб қилиб иқтисодий ўсишда давлат ўзи бош ислохотчи бўлиб турли хил соҳаларга мослашган фаолият олиб боришга ҳаракат қилади. Шулардан бири мисол тариқасида эркин иқтисодий зоналарни келтириш мумкин. Эркин иқтисодий зона – давлатлараро келишувларга ёки давлат томонидан ишлаб чиқилган махсус қонунларга мувофиқ, хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун имтиёзли солиқ, молия, божхона ва эркин валюта конвертация, ҳуқуқий шароитлар жорий қилинадиган мамлакат ичидаги ёки мамлакатлар ўртасидаги маълум бир ҳудудир. Эркин иқтисодий зоналар хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш мақсадларида ташкил этилади ва уларда зарур ишлаб чиқариш ва иш юритиш инфратузилмаси барпо этилади. Ҳозир кунда мамлакатимизда 22 та эркин иқтисодий зоналар фаолият юритмоқда. Ушбу мақоламизда Қўқон эркин иқтисодий зонаси мисолида кўриб чиқамиз.

Қўқон эркин иқтисодий зонаси Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931- сонли “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги фармони¹ асосан “Қўқон” эркин иқтисодий зона барпо қилинди. “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси учун 709 гектар ер майдони ажратилган бўлиб кўрилиш-ташқиллаш ишлари 2018-йилдан бошланган. Унга кўра, 100 та лойиҳа белгиланиб, ҳозирда шулардан 65 та қуриб битказилди. 10 мингдан ортиқ аҳоли эса иш билан таъминланди. 2021 йил давомида қўшни Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон Республикаларига 100 мил. АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди.

¹ <https://lex.uz/docs/3096605>

Айни кунда Қўкон эркин иқтисодий зонаси дирекциясида жами 13 хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, 4 та велосипед заводи мавжуд бўлиб, унинг бир қисмида эса автомобил учун мўлжалланган газ балонларининг бутловчи қисмлари, метан, пропан балонлари ҳам тайёрланмоқда.

“Қўкон” ЭИЗ томонидан 2017-2021 йилларда амалга оширилган ишлар

1. Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича:

2017-2021 йилларда жами 89,0 млн. доллар хорижий инвестициялар, шундан 68,2 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда 20,5 млн. доллар хорижий кредитлар ўзлаштирилган. Шундан:

2018 йилда жами 2,7 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

2019 йилда жами 14,1 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

2020 йилда жами 22,5 млн. доллар хорижий инвестициялар, шундан 18,5 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда 4,0 млн. доллар хорижий кредитлар ўзлаштирилган.

2021 йилда жами 45,4 млн. доллар хорижий инвестициялар, шундан 28,9 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда 16,5 млн. доллар хорижий кредитлар ўзлаштирилган.

2. Ишга туширилган лойиҳалар бўйича:

2017-2021 йилларда жами 2,156 трлн. сўмлик 63 та лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 5907 та янги иш ўринлари яратилди.

Шундан, хорижий инвестициялар иштирокидаги 123,1 млрд. сўмлик 18 та (62,8 млн доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва 13,7 млн. доллар хорижий кредит) лойиҳалар ишга туширилиб, 2795 та янги иш ўринлари яратилди. Хусусан:

2018 йилда жами 145,9 млрд. сўмлик 11 та лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 747 та янги иш ўринлари яратилди. Шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги 5,1 млн. долларлик 1 та (2,7 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция) лойиҳа ишга туширилиб, 142 та янги иш ўринлари яратилди.

2019 йилда жами 454,4 млрд. сўмлик 14 та лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 1728 та янги иш ўринлари яратилди. Шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги 26,5 млн. долларлик 3 та (14,1 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция) лойиҳа ишга туширилиб, 545 та янги иш ўринлари яратилди.

2020 йилда жами 578,0 млрд. сўмлик 21 та лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 1048 та янги иш ўринлари яратилди. Шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги 25,3 млн. долларлик 8 та (18,5 млн. доллар тўғридан-

тўғри хорижий инвестиция ва 4,0 млн. доллар хорижий кредит) лойиҳа ишга туширилиб, 695 та янги иш ўринлари яратилди.

2021 йилда жами 886,9 млрд. сўмлик 19 та лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 2040 та янги иш ўринлари яратилди. Шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги 74,3 млн. долларлик 7 та (46,6 млн доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва 11,0 млн. доллар хорижий кредит) лойиҳа ишга туширилиб, 1320 та янги иш ўринлари яратилди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак эркин иқтисодий зоналар ва уларни ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш, инфратузилмани шакллантириш ва шу мақсадларни амалга оширишда хориж тажрибаларини бирлаштирган ҳолда қуйидаги хулосалар шаклланади:

1. ЭИЗ деганда, мамлакатнинг стратегик мақсадларини амалга оширишда, хўжалик юритувчи субъектлар қонун доирасидаги фаолият билан шуғулланиши ҳамда ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш қулай бўлиши учун махсус бошқарув тизими (режими) ўрнатилган ҳудуд, яъни мамлакатнинг бошқа ҳудудларида амал қилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришлар тизими амал қиладиган ҳудуд тушунилади.

Яратилган шарт-шароитлар ЭИЗга ташқи дунё билан юқори даражада иқтисодий алоқада бўлиш имконини беради, божхона, солиқ ва инвестицион режимлар ички ҳамда ташқи инвестициялар учун қулай шароит ҳисобланади.

2. Дунё миқёсида ЭИЗлар сони домий равишда ортиб бормоқда, уларни ташкил қилишдаги географик чегаралар кенгаймоқда, уларнинг шакли ўзгариб, ташқи савдо зоналаридан экспорт-ишлаб чиқариш ва комплекс ҳудудларга айланиб бормоқда. Барчасини ўзида мужассамлаштирувчи ЭИЗлар миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувида муҳим омилга айланмоқда.

3. Жаҳон амалиётига кўра, қатор давлатларнинг иқтисодий ривожланишига ЭИЗ лар кучли таъсир кўрсатаётганлиги қўйидагиларда намоён бўлади:

1. Янги иш ўринлари яратилади, малакали мутахассислар шакллантирилиб, маҳаллий ишчи кучи замонавий техник-технологиялардан фойдаланиши натижасида янги меҳнат услубларини ўзлаштиради;

2. ЭИЗларга инвестиция жалб қилаётган компаниялар ер ва инфратузилма объектлари учун тўловларни ўз зиммасига олади ва хизмат учун

ҳақ тўлайди; маҳаллий аҳолининг турмиш даражаси ошади, даромадлари ўсади, ички бозорнинг юқори сифатли маҳсулотларга бўлган еhtiёжи тўлароқ қондирилади;

3. ЭИЗларда фаолият кўрсатаётган компаниялар бошқаларга нисбатан яхшироқ шароитларга ега бўлади. Бундай зоналарда ишлаб чиқариш сарф-харажатлари, хомашё ва материаллар олиб кириш билан боғлиқ солиқ ва божлар йўқлиги, ишчи кучининг нисбатан арзонлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтириб, унинг рақобатбардошлигини оширади;

4. Ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятининг янада жонланиши, экспорт салоҳиятининг ошиши кабилар ҳисобига иқтисодиётнинг маълум тармоқ ва соҳалари ривожланишига кўмаклашади.

4. ЭИЗ муваффақиятли фаолият юритиши учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжудлиги муҳим жиҳат ҳисобланади, яъни: мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва қулай инвестицион муҳитнинг шаклланганлиги; хорижий ва маҳаллий инвесторларни рағбатлантирадиган пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий базанинг мавжудлиги; ишлаб чиқариш ҳамда тижорат инфратузилмасининг ривожланганлиги; табиий географик муҳит; қулай иқтисодий конъюнктура.

5. АҚШ, Буюк Британия, Франсияда ЭИЗ, аксарият ҳолларда, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кучайтириш, маҳаллий сиёсатни амалга ошириш орқали депрессив туманлардаги кичик ва ўрта бизнесни жонлантиришга ва ҳудудлараро ривожланишдаги фарқларини йўқотиш, яъни ривожланишдан ортда қолаётган ҳудудларга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилади. ЭИЗлар фаолият юритаётган тадбиркорларга мамлакатнинг бошқа ҳудудларига қараганда, хўжалик фаолиятини юритиши учун қатор енгилликлар ва сезиларли даражадаги молиявий имтиёзлар берилади. Бу мақсадлар хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилмаслиги билан хусусиятланади. Ривожланаётган мамлакатларда ЭИЗларни ташкил қилишдан мақсад ривожланган мамлактларникидан биров фарқ қилади яъни, энг аввало, хорижий инвестицияларни, замонавий техника-технологияни жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизасиялаш, ички кучи малакасини ошириш масадларида ташкил қилинади.

6. ЭИЗ фаолият кўрсатаётган мамлакатларда экспортнинг ўсиш даражаси бундай ҳудудлари йўқ мамлакатлар экспорти ўсиш даражасидан юқорироқ бўлади. Аксарият ҳолатларда ЭИЗнинг умумий экспортдаги улуши жуда баланд бўлиб, 13 фоиздан 82 фоизгача тебранади. Осиё ва Лотин Америкаси давлатларида ЭИЗлардан тайёр маҳсулот экспорт қилиш ҳисобига ката миқдорда чет эл валютасида даромад олиш имкони яратилмоқда.

7. Хитойдаги иқтисодий ривожланишларнинг ўзига хос хусусияти бу ички иқтисодий ислохотларнинг ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш билан узвий боғланганлиги, ташқи савдо ва инвестицион режимнинг эркинлаштириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилганлигида ўз аксини топади.

Эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши оқибатида мамлакатга кўплаб инвестицияларни оқиб келишини кузатишимиз мумкин. Мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти янада ривожланиб, ташқи савдо, экспорт импорт операциялари янада ривожланади. Бу эса мамлакат иқтисодиётини янада барқарорлаштириб, уни ривожланишига олиб келади. Бунинг учун авваламбор кўйидаги таклифларга алоҳида эътибор бериш лозим;

эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда ҳудудларни, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва жойлашув манзилени тўғри танлаш;

ҳудудлар имкониятидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар фаолияти йўналишини ва истиқболени аниқлаш;

эркин иқтисодий зоналарда кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда зоналар иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш;

чет элда ва мамлакат ваколатхоналарида эркин иқтисодий зоналар манфаатларини кўзловчи, инвесторларни жалб этиш учун информацион реклама тадбирларини ўтказиш;

оммавий ахборот воситалари ва интернет саҳифаларида мамлакатда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар имкониятлари ҳамда салоҳияти бўйича жозибadorлигини ифодаловчи рекламаларни кучайтириш эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва уларнинг самарadorлигини баҳолашда юқорида келтирилган баҳолаш мезонлари бўйича аниқлаш каби чоратадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши натижасида мамлакат иқтисодиётини ривожланиши, экспорт салоҳиятини ошиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини равнақи ва иқтисодиёт барқарорлиги, энг асосийси жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб ўз мавқеида эга бўлишига олиб келади.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ЭИЗларни ривожлантириш учун таклиф ўрнида айтганда, ЭИЗлар классик асос – (солиқ) рағбатлантириш пакети ва инвесторлар учун кўчмас мулк имтиёзлари эскирган. Ривожланган мамлакатлар борган сари эркин иқтисодий зоналар импорт ва экспорт божлари ва бошқа солиқ имтиёзлари билан биргаликда корпоратив даромад солиғи бўйича таътилдан иборат стандартлаштирилган имтиёзлар пакетини тақдим этилмоқда.

ЭИЗлар жадал қиймат занжирларни яратувчи, мамлакат иқтисодиёти двигатели бўлишлари керак, бунда кўпроқ рағбатлантиришдан кўра янги инвесторлар хизматларини кўрсатишга эътибор қаратиш керак, улар фақат янги ривожланаётган фаолият ва глобал иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи кучига айланган тармоқларга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш афзал курадилар.

Келажакдаги иқтисодий зоналар янада барқарор бўлиши, ўзини рақамлаштириши ва рақобатбардош кластерларни ривожлантиришга ёрдам берадиган яхши жиҳозланган саноат ёки технопарклар даражасидаги афзалликларини тақдим этиши керак. Худудлар, шунингдек, миллий иқтисодиётларга интеграция қилиниши керак ва улар иқтисодиётга тақдим эта оладиган иқтисодий фойдани яхшироқ намойиш этишлари керак. ЭИЗлар хавфсиз бошпана ва рақобатбардош ишбилармонлик муҳити учун анклав бўлишдан кўра, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши, уларнинг диверсификацияси учун катализатор бўлиши ҳамда бўлажак инвесторлар учун тартибга солиш ва маъмурий юкларни чеклашда шаффоф рол ўйнаши керак.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида айтиб утиш жоиз бизнинг мамлакат ЭИЗ фаолиятига маъмурий аралашувларни қисқартириши ва ЭИЗларга тадбиркорлик субъектларини жойлашиш жараёни бўйича шаффоф механизм яратиши керак бўлади. Бундай шаффоф тизим жорий қилмаган мамлакатлардаги ЭИЗ фаолияти мамлакат иқтисодий бойишига эмас аксинча мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир етказиши мумкин булади.

Келажакда ЭИЗлари асосидаги мамлакат иқтисодий янада барқарор бўлиши ва кўплаб мамлакатлар эришмоқчи бўлган ўзгаришларда ЭИЗ етакчи рол ўйнаши ва асосий индустриал марказларга айланиши лозим булади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, республикада ЭИЗларни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан ЭИЗларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини ягона умумлаштирилган бир ҳужжат - кодексга келтириш лозим. Махсус иқтисодий зоналар бўйича ягона норматив ҳужжати орқали хорижий ва маҳаллий тадбиркорларга ЭИЗлар қонунчилик асослари билан тез ва осон танишиш ҳам керакли маълумотларни олган ҳолда қарорлар қабул қилишга ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди;

Иккинчидан ЭИЗларда қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида маълум муддатгача ўзгармас солиқ, божхона ва бошқа имтиёзларини қонунчилик асосида кафолатланган ҳолда тақдим этиш;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона порталида (www.sez.gov.uz) ЭИЗлар кесимида берилган маълумотларни давлат тилидаги версияни ишлаб чиқиш, ҳамда ЭИЗлар веб-сайтларида (www.feznavoil.uz “Навоий” ЭИЗ веб-сайти) ЭИЗлар тўғрисида статистик ва иқтисодий маълумотлар очиқлиги таъминланиши керак;

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона порталида (www.sez.gov.uz) берилган ишонч рақамлари доимий ишлаш режимини жорий қилиш ва ишонч рақамларга жавоб берилишини назорат олиш.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона порталида (www.sez.gov.uz) мурожаатлар билан ишлаш тизими бўйича алоҳида саҳифа ташкил этиш ҳамда инвесторлар таклифини соҳалар кесимида, инвестиция миқдори, амалга ошириш муддати, яратиладиган ишчи ўрни кўринишида қабул қилиш имконини берадиган форма яратиш лозим;

Бешинчидан, хорижий инвесторларни жалб қилишни фаоллаштириш мақсадида ЭИЗларни тарғибот-ташвиқот қилишни доимий равишда ташкил этиш, шунингдек чет мамлакатлардаги конференциялар, форумлар ва халқаро учрашувлар ўтказиш ва ЭИЗларни интернет сайтлари орқали кенг тарғиб қилиниши керак;

Олтинчидан, ЭИЗ ва умуман мамлакатда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун асосий масалалардан бири бу мустақил суд тизими ҳисобланади яъни ҳар қандай инвестор билиши кераки унинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари қайсидир шахс эмас айнан одил судлов ва қонунлар ҳимоясида булиши лозим.

Етинчидан, ЭИЗ инфратузилма ва коммуникацияларида ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд жумладан электр токи, газ таъминоти, йўллар жорий ҳолатини яхшиланиши лозим;

Сақизинчидан, ҳозирги вақтада ЭИЗда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари тулиқ қайтадан кўриб чиқиш лозим сабаби, “Ўзбекистон Республикаси махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонуни”га асосан ЭИЗларга жойлаштирилган тадбиркорлик субъектлари мамлакат ичида рақобатчилари йўқ

бўлган техника технологиялар асосида импорт ўрнини босувчи экспорт боб махсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорли ксубъектлари жойлаштириш лозим. Жорий ҳолатда эса жуда куп истисноли ҳолатлар мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси– Т.: “Ўзбекистон”, 2014 й.
- 1.2. 1996 йилнинг 25 апрелда мамлакат парламенти Ўзбекистон Республикасининг "Еркин иқтисодий зоналар тўғрисида" қонуни
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонуни 24.12.1998 й. Н 719-И
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Чет ел инвестициялари тўғрисидаги қонуни. 30.04.1998 й. Н609-И
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Чет еллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонуни. 30.04.1998 й. Н611-И
- 1.6 Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 2020 йилдаги ЎРҚ-604-сон.
- 1.7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 29-январдаги ПФ-60 сон фармони.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 феврал.

II. Интернет сайтлари

- www.sez.gov.uz
- www.navoi-fiez.uza
- www.regnum.ru
- www.nfiez.com
- www.agmk.uz/idex.php